

8. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси” ЎРҚ-683-сонли қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 122-сонли қарори таҳририда.
10. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2018-2022 йиллардаги бюджет параметрларидан фойдаланилиб, муаллиф томонидан шакллантирилди.
11. Муаллиф томонидан шакллантирилган.
12. Исаев Ф. (2022) Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиш методикаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
13. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). Organization of turkic states: interoperation and accounting system. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
14. Исаев Ф. (2023) Солиқ текширувлари: аудит самарадорлиги таҳлили. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, 11(1), 394–401. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a42
15. Исаев Ф. (2022) Йурик корхоналар мисолида солиқ йиғилувчанлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(1), 317–326. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/955>
16. Исаев Ф. Аудит самарадорлигининг назарий-амалий талқини // *Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. – 2023. – С. 359-361.*



ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Джалилов Раҳмонкул Ҳамидович -
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a42

Аннотация: Мақолада қўшилган қиймат солиғини бўйича солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобининг такомиллаштириш масалари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Амалий маълумотлар асосида солиқ имтиёзлари ҳисобининг методикаси ёритилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ имтиёзи, қўшилган қиймат солиғи, бухгалтерия ҳисоби, МҲХС.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАСЧЕТА ЛЬГОТ ПО НАЛОГУ НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

Джалилов Раҳмонкул Ҳамидович -
Независимый научный сотрудник
Каршинского инженерно-экономического института

Аннотация: В статье научно исследованы вопросы совершенствования учета налоговых льгот по налогу на добавленную стоимость. На основе практических данных поясняется методика расчета налоговой льготы.

Ключевые слова: налог, налоговая льгота, налог на добавленную стоимость, бухгалтерский учет, МСФО.

IMPROVING THE CALCULATION OF BENEFITS FOR VALUE ADDED TAX

Djalilov Rakhmonkul Hamidovich -
Independent researcher of Karshi Institute
of Engineering and Economics

Abstract: The article scientifically researches the issues of improving the accounting of tax benefits for value added tax. On the basis of practical data, the method of calculating the tax benefit is explained.

Key words: tax, tax benefit, value added tax, accounting, IFRS.

Кириш. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон амалиётида, шу жумладан мамлакатимиз солиқ қонунчилигида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш, тўлаш, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган айланмани аниқлаш ва солиқнинг ўрнини қоплаш механизмлари мураккаб бўлиб ҳисобланади.

Дунёда қўшилган қиймат солиғининг ҳи-

соби методикасини такомиллаштиришга оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижа-сида қатор илмий натижалар олинган.

Хўжалик субъектларига берилаётган солиқ имтиёзларини асосланганлиги ва уларни берилган мақсадларга ишлатилишини назорат қилиш бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асо-сида амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини

бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида унинг иқтисодий моҳиятини ўрганишимиз зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда солиқ имтиёзига турлича таърифлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддасида солиқ имтиёзларга қуйидагича таъриф берилган: “Солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзлари деб эътироф этилади. Солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас” [1].

И.А.Майбуров солиқ имтиёзларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили [2].

В.Г.Пансков солиқ имтиёзининг иқтисодий моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: Солиқ имтиёзи - бу солиқ тўловчига бериладиган мақсадли имтиёзли ҳуқуқ ёки солиққа тортиш базасидан ва солиқ солиш объектидан мақсадли чиқариб ташлаш, уни солиқ тизимига киритиш муайян мақсадга эришиш учун мўлжалланган ва иқтисодий, бюджет, фискал ёки ижтимоий самарадорликни унинг ёрдамида аниқлаш мумкин [3].

Г.А.Богданова солиқ имтиёзларининг мазмун-моҳиятини яна ҳам кенгроқ очишга ҳаракат қилади: “Солиқ имтиёзлари солиқнинг муайян турларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва улардан фойдаланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги турларга қараб таснифланиши мумкин:

- солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари ёки солиқ объектларини солиқдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;

- солиқ тўловлари (солиқ тўловчиларнинг муайян тоифалари маълум бир муддатга солиқни тўлашдан озод қилиш);

- солиққа тортилмайдиган минимал;

- солиқ базасидан солиқ имтиёзлари;

- камайтирилган ёки нолинчи солиқ ставкаси;

- солиқни кечиктириш ёки тўлов режаси, солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзлари шаклида кейинги давр учун солиқни тўлаш муддатини ўтказиш. Янги ташкил этилган кичик корхоналар томонидан ташкил этилган кундан бошлаб икки йил мобайнида корпоратив фойда солиғи учун солиқ таътиллари ўтказилди” [4].

Ф.Рахматуллаева солиқ имтиёзига қуйидагича таъриф берган: “имтиёзлар – бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир” [5].

З.Курбанов ва Ф.Акрамов солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

“солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;

солиқдан чегирмалар;

солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар)” [6].

Ж.Ж.Урмоновнинг фикрича “солиқ имтиёзи – Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятини қисқартириш, солиқ ставкаси ва солиқ базасини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти” [7].

Ф.И.Исаевнинг қайд этишича эса, “солиқ имтиёзлари – юридик шахсларнинг айрим тоифаларини солиқлар тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш, ёки солиқларни камроқ миқдорда тўлаш учун берилган имкониятлардир” [8].

У.Х.Нормурзаев “Солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти” деб эътироф этиш ҳамда “солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва солиқ имтиёзларининг ҳар бир турига махсус идентификация кодини берган ҳолда амалга ошириш кераклигини мақсадга мувофиқ” [9]- деб ҳисоблайди.

Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 56-моддасида солиқ имтиёзлари қуйидагича қайд этилган: “Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар солиқ ва йиғимларни тўловчиларнинг айрим тоифалари томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқ ва йиғим тўловчиларга нисбатан берилган имтиёзлар, шу жумладан солиқ ёки йиғимларни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти деб эътироф этилади” [10].

Россия Федерацияси Ҳукумати 2019 йил 12 апрелда «Россия Федерацияси солиқ харажатлари рўйхатини шакллантириш ва солиқ харажатларини баҳолаш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 439-сон қарорини қабул қилди Ушбу ҳужжатга асосан солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади: а) солиқ имтиёзларини мақсадли-

лигини баҳолаш; б) солиқ имтиёзларининг натижавийлигини баҳолаш. Солиқ имтиёзларининг натижавийлигини баҳолашда солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлигини баҳолаш ҳисобга олинади [11].

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, солиқ имтиёзлари солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти экан.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, солиқ сиёсати ва қўшилган қиймат солиғи ҳамда солиқ имтиёзлари бўйича иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Солиқ имтиёзлари бўйича назарий асослар умумлаштирилди ҳамда унинг ҳисобини МҲХС асосида такомиллаштириш тадқиқ қилинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 75-моддаси ўн биринчи қисми: Солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва солиқ имтиёзларининг ҳар бир турига махсус иденти-

фикация кодини берган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори 6-банди г-кичик банди учинчи хатбошисида 2021 йил 1 декабрга қадар мавжуд солиқ имтиёзлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳар бир солиқ имтиёзи учун алоҳида солиқ имтиёзи уникал кодини (ID-рақамини) бериш тартибини жорий этиш ҳамда солиқ имтиёзлари кодлари тўғрисидаги ахборотларни солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетига етказиб бериш амалиётини жорий этиш вазифаси юклатилган [12].

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш учун солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ. Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш зарурияти нимадан келиб чиқди. Бу саволга жавоб бериш мақсадида баъзи маълумотларни келтириб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчилар томонидан 2017-2021 йилларда солиқ турлари бўйича фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили (млрд.сўм)

Т/р	Солиқ турлари	2017 й		2018 й		2019 й		2020 й		2021 й	
		Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси
		1.	Қўшилган қиймат солиғи	8914	8450,4	4 572	14989,5	19964	25318	25851	25902,1
2.	Ягона солиқ тўлови	4181	1216,80	13785	1325,70	9 013	164,8	8697	146,8	9289	111,1
3.	Фойда солиғи	926	496,1	1287	1700,4	1753	2012,2	2773	2102,1	2622	2217,6
4.	Ер солиғи	335	99,8	2 496	1154,0	1 278	439,2	1 125	1340,8	9224	3221,5
5.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 280	1512,4	103	798	102	541,8	302	699,6	219	836,2
6.	Мол-мулк солиғи	1 923	2 781,9	1 495	897,3	898	382,4	1090	477,6	1022	678,6
7.	Ягона ер солиғи	262	198,9	6 157	29,6	3153	129,1	3023			
8.	ЯИТ ва суғурта бадали	27298	322,2	33992	495,8	12594	148,5	16574	396,6	17385	489,3
Жами		50028	15755,2	61178	22707,5	68113	29136	93871	31065,6	53561	42089

Манба: жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республика бўйича 2017 йилда 50028 хўжалик юритувчи субъектларга 15755,2 млрд. сўм солиқ имтиёзлари берилган бўлса, 2021 йилда 53561 та хўжалик юритувчи субъектлар 42089,0 млрд. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Солиқ турлари бўйича энг кўп солиқ имтиёзи қўшилган қиймат солиғидан берилган. Жумладан, ҚҚС бўйича бўйича 2017 йилда 8450,4 млрд. сўм миқдорда солиқ имтиёзлари берилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич

27637,9 млрд. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар жуда катта миқдордаги сумма бўлиб, уларнинг мақсадли ишлатиши бухгалтерия ҳисоби ёрдамида назорат қилинади.

Солиқ имтиёзлар муайян мақсадга йўналтириш шарти билан берилади ва мақсадсиз бериладиган имтиёзларга бўлинади.

“Солиқ қонунчилигига асосан солиқ имтиёзларидан бўшаган маблағларни бошқа мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартиб-

да пеняя ҳисобланган ҳолда бюджетга тўлиқ ундириб олинади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар муносабати билан бўшаган ҳамда ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддати ичида фойдаланилмаган маблағларнинг суммаси имтиёзлар берилаётган чоғда белгиланган мақсадларга мазкур имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин бир йил мобайнида йўналтирилиши мумкин. Бунда кўрсатилган муддатда фойдаланилмаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади. Солиқ имтиёзларининг моҳиятини тушуниб олганимиздан сўнг ҳисобланган солиқлар ва улар бўйича берилган имтиёзлар суммаларини бухгалтерия ҳисобининг сўтларда акс эттириш масалаларини кўриб чиқамиз.

Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби сўтлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21 сонли миллий стандарти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йил 23 октябр 1181- сон билан рўйхатдан ўтказилган), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 февралдаги 29,2005-25, 01-02/8-3 сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик шахсларга солиқлар, божлар ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлигидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатга олинган) лар асосида юритилади[14].

Солиқ имтиёзлари хўжалик юритувчи субъектларга:

1. Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни билан бажариш учун йўналтириш шарти (мақсадли имтиёзлар);

2. Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади.

Юқоридагиларга кўра солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби бир-биридан фарқ қилади.

Мақсадли солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш методикасини кўриб чиқамиз. Бу имтиёзларнинг бухгалтерия ҳисоби 8840 “Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари” сўтида юритилади.

Солиқ имтиёзлари билан боғлиқ хўжалик операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни кўриб чиқамиз.

1. Товарлар – моддий захиралар импорт чоғида ҚҚС ва акциз солиғи тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига:

Дебет – 6990 “Импорт чоғида ҚҚС ва

акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари” сўти 300 000 000 сўм

Кредит - 8840 Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” 300 000 000 сўм.

2. Маҳсулотларни реализация хажмида экспортга сотилган маҳсулотларнинг улуши 56 фоизни ташкил қилганлиги туфайли фойда солиғидан берилган имтиёз суммасига, ушбу сумма фойда солиғи ҳисоботининг 040 сатридан олинади:

Дебет – 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” сўт 700 795 541 000 сўм

Кредит – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” сўти 700 795 541 000 сўм

3. Солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар асосий воситаларнинг харид қилишга, асосий воситаларни реконструкция ва технологияларни модернизация қилишга йўналтирилганда:

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” сўти 300 000 000

Кредит – 8530 “Текинга олинган мулк” сўти 300 000 000.

4. Солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар жорий мажбуриятларни қоплашга йўналтиради:

а) олинган товарлар бўйича қарзни қоплашга йўналтирилади;

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” сўти 200 000 000

Кредит – 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўтлар” сўти 200 000 000

б) иш ҳақи ҳисобланганда:

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” сўти 150 000 000

Кредит – 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” сўти 150 000 000.

В) Иш ҳақига нисбатан ижтимоий солиққа ажратилганда:

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” сўти 18 000 000

Кредит – 6420 “Ижтимоий солиқ” сўти 18 000 000

5. Имтиёзли даври тугаганда ва ҳисобот йилининг охирида ишлатилмасдан қолган имтиёз суммалари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади (2-4 операциялар бўйича):

Дебет - 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” сўти 700 127 541 000 сўм;

Кредит-6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” сўти 700 127 541 00 сўм .

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси-га асосан имтиёз даврида имтиёздан фойдалан-маса кейинги йилда фойдаланилмаган имтиёз

суммалари давлат бюджетига қайтарилди. Ушбу жараёни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш мақсадида 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари” номли ишчи счётни очишни ва уни счётлар режасига киритишни тавсия эта- миз. 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари” номли ишчи счётни очиш асосида қуйидаги бух- галтерия ёзувлари киритилади:

Имтиёз даври тугаганидан кейин бир йил мобайнидаги муддатга қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 8840-“Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” 700 127 541 000 сўм.

Кредит 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари” 700 127 541 000 сўм.

Имтиёз даври тугаганидан кейин бир йил муддат ўтгандан сўнг бюджетга қайтарилиши бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 8850-“Муддати тугаган солиқ имти- ёзлари” 700 127 541 000 сўм,

Кредит 6410-“ Бюджетга тўловлар бўйича қарз” 700 127 541 000 сўм.

Бу солиқ тўловчиларни солиқ имтиёзла- ридан тўғри фойдаланиш бўйича маъсулиятини оширади. Шунингдек, солиқ имтиёзларининг суммалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эт- тирилади.

8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзла- ри” номли ишчи счётни очиш зарурияти нима- дан келиб чиқди. Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, кўп ҳолларда солиқ имтиёзла- рининг муддати тугагандан сўнг имтиёзлар мақсадсиз ишлатилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан кўриниб ту- рибдики, 2016 йилда жам 769 та тадбиркорлар томонида 21,9 млрд.сўм, 2018 йилда 579 та кор- хоналарда 54,9 млрд.сўмни ҳамда 2021 йилда эса 1024 та корхоналарда 324,6 млрд.сўм ҳажми- да имтиёзлардан нотўғри фойдаланилган бу эса солиқ имтиёзларини бекор қилишга асос бўла- ди. Бундан кўриниб турибдики, солиқ қонунчи- лигига асосан берилган солиқ имтиёзларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устудан молиявий назоратни, шу жумладан солиқ тек- ширувларини янада кучайтириш зарур экан.

2-жадвал

Ўзбекистонда 2015-2021 йилларда солиқ имтиёзларидан самарасиз фойдаланган корхоналарда аниқланган камчиликлар (млрд. сўм)

№	Йиллар	Солиқ имтиёзидан фойдаланган корхоналар		Нотўғри фойдаланганлиги бўйича қўшимча ҳисобланган		Шундан,			
						Камерал назорат натижасига кўра		Солиқ текширувлари натижасига кўра	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
1.	2016	28617	10 924,4	769	21,9	677	6,1	92	15,8
2.	2017	33631	15 753,1	267	11,4	217	2,4	50	8,9
3.	2018	61178	22 707,5	579	54,6	380	7,9	199	46,7
4.	2019	48765	29136,1	456	44,9	276	8,2	180	36,7
5.	2020	59415	31065,6	786	98,3	451	24,5	-	-
6.	2021	47482	42 089,0	1024	324,6	966	219,8	58	104,8

Манба: жадвал муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Халқаро амалиётда солиқлар ва солиқ им- тиёзларининг бухгалтерия ҳисобини юритишда бир нечта МҲХСлардан фойдаланилади. Жумла- дан, БҲХС (IAS) 2-“Товар-моддий захиралар”, МҲХС (IFRS) 5-“Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар”, БҲХС (IAS) 7-“Пул маблағ- лар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”, БҲХС (IAS) 8-“Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзга- ришлар ва хатолар”, БҲХС (IAS)-12 “Фойда со- лиқлари”, МҲХС (IFRS) 13-“Ҳаққоний қийматни баҳолаш”, БҲХС (IAS) 16-“Мулк (ер), бино, маши- на ва асбоб-ускуналар”, БҲХС (IAS) 17-“Ижара”, БҲХС (IAS) 19-“Ходимларнинг даромадлари”, БҲХС (IAS) 28-“Қарам тадбиркорлик субъектла- ридаги ва қўшма корхоналардаги инвестиция-

лар” каби стандартлардаги меъёрлардан фойда- ланган ҳолда ташкил этилади.

Солиқ имтиёзларини ҳисоби МҲХСларида 12 “Фойдадан солиқлар” номли (IAS-12 Income Taxes) (2018) стандартдан фойдаланинади[13]. Ушбу стандартнинг 34-35 бандларида солиқ имтиёзлари бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун тан олиниши керак. Солиқ имтиёзларини тан олиниши стандартда қуйидагича акс этти- рилган: Муддати узайтирилган солиқ активи фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва фойдала- нилмаган солиқ имтиёзларини келгуси давр- ларга ўтказиш бўйича тан олиниши керак, бун- да у фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва фой- даланилмаган солиқ имтиёзларидан келажакда

фойдаланиш имконини берадиган етарлича келгуси солиқ солинадиган фойдага эга бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган даражада тан олиниши керак.

Фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказиш натижасида пайдо бўладиган муддати узайтирилган солиқ активини тан олиш мезонлари келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар натижасида юзага келадиган муддати узайтирилган активларни тан олиш мезонлари билан бир хил. Бироқ, фойдаланилмаган солиқ зарарининг мавжудлиги келгусида солиқ солинадиган фойданинг бўлмастидан жиддий далолат беради. Шунинг учун, тадбиркорлик субъекти яқиндаги фаолият давомида зарар кўрганида, у фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки солиқ имтиёзларидан келиб чиқадиган муддати узайтирилган активни, фақат, етарлича келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлари мавжуд бўлган даражасида, ёки фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан тадбиркорлик субъекти келажакда фойдаланиши мумкин бўлиши учун етарлича келгуси солиқ солинадиган фойда мавжуд бўлишига бошқа ишончли далил бўлган даражасида тан олади.

МҲХС бўйича ҳисобот юритишга ўтган йирик солиқ тўловчилар ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисоби учун МҲХС (IAS) 8, солиқ ҳисоби учун – МҲХС (IAS) 8 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 77-моддасини концептуал тарзда ҳисобга олишлари лозим.

Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда ҳисоб сиёсати ихтиёрий шаклда тасдиқланади ва унда қуйидагилар акс эттирилиши керак:

1) агар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган солиқ регистрларининг шакли ва уларни тузиш тартиби;

2) унга риоя этилиши устидан масъул мансабдор шахслар;

3) солиқ солиш мақсадларида алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш тартиби, агар бундай ҳисоб юритиш мажбурияти ушбу Кодексда назарда тутилган бўлса;

4) солиқ тўловчи томонидан фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида сарфларни харажатлар сирасига киритиш, шунингдек қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишнинг танланган усуллари;

5) хеджирланадиган таваккалчиликларни, хеджирланадиган моддаларни ва уларга нисбатан қўлланиладиган хеджирлаш воситаларини

аниқлаш сиёсати, хеджирлаш операциялари, шунингдек бошқа молиявий таваккалчиликлар амалга оширилган тақдирда хеджирлаш самарадорлиги даражасини баҳолаш услубияти;

б) активларнинг ҳар бир гуруҳи ва кичик гуруҳи бўйича амортизация нормалари (ҳисоблаш усуллари).

Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини ўзгартириш ва (ёки) унга қўшимчалар киритиш солиқ тўловчи томонидан қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:

1) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган янги ҳисоб сиёсатини ёки унинг янги бўлимини тасдиқлаш;

2) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган амалдаги ҳисоб сиёсатига ёки амалдаги ҳисоб сиёсатининг бўлимига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танланган ҳисоб юритиш усуллари тегишли ҳисоб сиёсати тасдиқланган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан қўлланилади[1].

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларга асосан хулоса қиладиган бўлсак, солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини МҲХСлари таълаблари асосида юритиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ имтиёзларининг ҳисоби БҲХС (IAS) 8–“Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”, БҲХС (IAS)–12 “Фойдадан солиқлар” стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли нормаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади.

Умуман олганда, солиқ имтиёзларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисобга олиш компанияларга ўзларининг молиявий ҳисоботларида солиқ имтиёзлари тўғрисида аниқ ва шаффоф ҳисобот бериш учун асос яратади. Компаниялар ўзларининг молиявий ҳисоботларининг аниқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, риоя қилмаслик билан боғлиқ ҳар қандай хавфларни камайтириш учун ушбу стандартларга қатъий риоя қилишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 75-моддасига асосан корхона имтиёз даври тугагандан сўнг яна бир йил мобайнида бўшган пул маблағларини мақсадли сарфлаши мумкин. Ушбу даврда ҳам имтиёздан фойдаланмаса кейинги йилда фойдаланилмаган имтиёз суммаларини давлат бюджетига қайтаради. Ушбу жараёни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш мақсадида 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари” номли ишчи счётни очишни ва уни счётлар режасига киритишни тавсия қиламиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2023.
2. Майбуrows И.А. *Налоги и налоогообложение*. Ред. 4-е изд. - М: 2011 г. 558 с.
3. Пансков В.П. *Налоговые льготы: сущность и определение*. ЖУРНАЛ. ЭТАП: экономическая теория, анализ, практика. 2018. DOI: 10.24411/2071-6435-2018-10035
4. Богданова Г.А. *Проблемы использования налоговых льгот // Молодой ученый*. №11. 2015 г. С. 759-761. — URL <https://moluch.ru/archive/91/19816/>.
5. Рахматуллаева Ф. “Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодий ва рағбатлантиришдаги роли” Молия илмий журналы №2/2016 108 бет
6. Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журналы №9 2015
7. Урмонов Ж.Ж. *Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати*. 2018
8. Исаев Ф.И. “Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш”. и.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2019 йил. 116 бет.
9. Нормурзаев У.Х. *Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт*. Монография. Т.: «IQTISODIYOT»- 2023. 242 бет.
10. Налоговый Кодекс Российской Федерации. часть первая. (с изменениями и дополнениями, вступившими в силу с 01.08.2022). <https://rulings.ru/nk-rf-chast-1/>. 17.08.2022.
11. Постановление Правительство Российской Федерации от 12 апреля 2019 г. № 439, Москва “Об утверждении Правил формирования перечня налоговых расходов и оценки налоговых расходов Российской Федерации”.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори.
13. МҲХС 12 “Фойдадан солиқлар”. 2018.
14. “Юридик шахсларга солиқлар, божлар ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлигидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатга олинган.
15. Исаев, Ф. (2023). Солиқ текширувлари: аудит самарадорлиги таҳлили. *Иқтисодий ва инновацион технологиялар*, 11(1), 394–401. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a42
16. Исаев, Ф. (2022). Йирик корхоналар мисолида солиқ йиғилувчанлиги кўрсаткичини таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 24(1), 317–326. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/955>
17. Исаев Ф. *Аудит самарадорлигининг назарий-амалий талқини //Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. – 2023. – С. 359-361.*